

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 7 (65883)
1996 йил, 3 февраль, шанба

Сотувда
эркин нархда



БИР ХАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов иқтисодиёт ва банк тизимлари мавзусида утадиган бутунжаҳон анжуманида иштирок этиш учун Швейцариянинг Давос шаҳрига жўнаб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик танлови утказилиши муносабати билан Халқ таълими вазирлиги бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда болалар ижросидаги янги қўшиқлар тўпламини тайёрлашга киришди.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши утказган сессия кун тартибидаги масалалардан бири авария ҳолатидаги мактаблар аҳволини муҳокама қилишга бағишланди.

Индонезия Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида бу мамлакат ҳукуматидаги «Экосан» халқаро хайрия жамғармасига инсонпарварлик ёрдами топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тиббий жиҳозлар ва доридармонлардан иборат кўмак Оролбўйи худудида оналар ва болалар саломатлигини сақлашга мулжалланган.

Халқаро «Меҳр-шафқат» корпуси 95.600 сумлик бешта тиббиёт асбобукунасини Республика болалар суяк сили шифохонасига беминнат ҳади этди.

Бекобод шаҳридаги Мирзо Улугбек номи 16-мактаб раҳбарияти ўқувчи ёшларнинг яхши дам олишини кузлаб тожикистонлик суз устаси Жўрабой Сангинов билан учрашув ташкил этди.

Паға-паға ёғаётган қор,

Ҳайрон бўлиб туриб қолади.

Қиш совуғи қовушмай почор,

Узоқларга йўлини солади.

Чунки аччиқ қиш изгиринин

Тинч замонда ким ҳам кўрибди?

Болакайлар айтиб кўшигин,

Мармар қўлда қувнаб юрибди.

Заррин чопон кийган Қорбобо,

Бир-бир келиб улашар совға.

Озод элда, тинч юртда ҳатто,

Қағилламас оч қолиб қарға.

Шунинг учун ёғаётган қор,

Ҳайрон боқиб туриб қолади.

Бир силкиниб кўринган Баҳор,

Боғлар аро юриб қолади...

Кузатувчан кишиларга об-ҳаво ўзгаришларни табиатнинг узи олдиндан айтиб беради. Осмон, ер, утуланлар, қушлар, ҳашаротлар, ҳайвонлар бу ҳақда сузлайди. Муридан чиқаётган тўтун қийшаймай юқорига кутарилса, ёғаётган қорнинг тезда тиниб, ҳавонинг очилишидан далолатдир. Агар пастга уриб кетса ҳавонинг бузилиши ва ёгингарчилик бўлиши кутилади. Энг узун кеча ва энг узун кунда чилла киради, дейдилар. Шундан сўнг кунлар аста-секин узая бошлайди. Халқимиз «туқсон кирса, тургай одими билан, қантар оғса (8 февраль) қарга одими билан кунлар узаяди», дейди. Демак, қарга одими билан кунлар узаядиган дамлар яқинлашмоқда. Катта чилла кичик чиллага навбатни топшираётиб «мен катта-лигимни қилиб бўлдим. Энди узинг биласан», деб айтар экан. Кичик чиллада ҳам шунинг учун қор ёғади, аёз изгиринлари қулоқни чимчи-


лайди. Ёз қанчалик қуруқ ва иссиқ келган бўлса, қиш шу қадар серёгин ва совуқ бўлганидек, кичик чиллада ҳам буронлар, қаттиқ совуқлар бўлади. Туқсоннинг тенг ярми утгач,

КИЧИК ЧИЛЛА

яъни 8 февралдан кейин қиш тобора камайишга юз тутиб, табиат иссиқлик сари силжийверади. Қуёш нури тушган ерлардан муз кутарилади. Аста-секин далалар, қирлар сабза ранг тусга киради. Қори эриган ерларда бойчечак ва митти гуллар кузга чалинади. Дарахтлар танасига сув югуриб, қизларнинг сочиға тол баргаклар чиқадиган кунлар бошланади. Боғбонлар мевали дарахтларни кесадилар, уларга шакл бериш ишларини тугаллашга шошиладилар. Чўпонлар қўйларни вақти-вақти билан яйловга ҳайдайдилар. Гоҳо баҳор нафаси уфургандай бўлади. Гоҳо... Лекин барибир қиш чекинди. Бойче-

чак қўшиқлари куйланадиган, ҳамма далага, табиат қўйнига интиладиган — баҳор яқинлашди. Атрофда қишни утказиш учун иссиқ улкаларга кетиб қолган баъзи қушларнинг овози эшитилмоқда. Жонланиш, катта йўлга тайёрланиш авжида. Демак, ҳаёт давом этмоқда. Ассалом янги кун, янги режалар!

Болалар! Биз газетамизнинг аввалги сониди сариосиёлик отахонлар ҳақида бежиз тўхталмадик. Табиатни мевали боғ-роғлар билан бойитишга интилаётган боболар, момолар бор экан, мулкўчилик, тукинлик, маъмурчилик бисёрдир. Уларнинг пинжиги кирайлик. Турмуш сабоқларини урганиш илинжида яшайлик. Бу нафақат билим олишда, меҳнат қилишда, ижодда, балки яшашнинг ҳамма жабҳаларида намоен бўлиши шарт. Кичик чиллада биз шуларни уйлаймиз. Келаётган гулбаҳорга меҳнат, эзгулик, гузал орзу-ниятлар қўшигини куйлаймиз.



Рамазон + саховатли оила

Дарс тугашига оз вақт қолганди. Устозимиз уй вазифасини тушунтираётганларида эшик оҳиста очилиб, Гулчеҳра опам узр сураб кириб келди:

— Болалар, мактабимизда ногиронларни ҳимоялаш мақсадида «Меҳр-саховат» ҳафталиги утказишга қарор қилдик. Шунинг учун 3 сумдан пул йиғашимиз. Ишонимизки, сизлар бу ҳаракатдан четда қол-

майсизлар. Шунда бувижонимнинг бир гаплари едимга тушиб кетди: Ҳозир Рамазон ойининг муазам ва мунаввар кунларида ҳар биримиз меҳр-саховатли бўлишимиз, бевабечораларга, ночору нотавонларга мурувват курсатишимиз керак, — дегандилар. Енимда дадам мактаб ошхонасидан бирор егулик сотиб оларсан, деб берган пуллари борлигини эслаб, севиниб кетдим. Дарҳол Гулчеҳра

опамга олиб бориб бердим. Синфдошларим ҳам шундай қилишди.

Бизнинг озми-купми йиққан маблағимиз ногирон тенгдошларимизнинг кемтик кунгилларига оз булсада, қувонч олиб киролса, узимизни бахтиёр ҳис қилардик.

Муфаззал ТУРДИКУЛОВА,
Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги 6-мактаб ўқувчиси.



• Одамларга шодлик келтирайлик

ШИОРЛАРИ: МЕҲРУ ШАФҚАТ

Шарифжон билан Зухриддин Турсунжон момоникига етиб келишганда онахон хаёлга ботиб куча эшикка термулиб утирган экан. Икки дустни кўрди-ю чеҳраси ёришди.

— Узим ҳам ҳозир келиб қоласизлармикан? — деб кутаётгандим, ўқишларинг яхшими, уйдагилар саломатми? — ҳол-аҳвол суради момо.

Болалар ҳам момодан ҳол сурашди-ю мақсадга куча қолишди. Шарифжон уй юмушларига уннади, Зухриддин чоңқиллаб магазин ва бозорга кетди.

Ўз уйларидаги вазифалар, ишлардан ортиб, вақт топиб бошқа ҳамқишлоқларига ҳам шодлик улашишга вақт топаётган бу болалар мактабимизда ташкил этилган «Меҳр-шафқат улашамиз» гуруҳи аъзоларидир. Улар бун вақт тонишлари биланоқ қишлоқларида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қарияларнинг уйларига бориб, ширин сўзлар билан кўнгилларини кўтариб, уй ва боғ юмушларида қараниб, бозор-учарларини қилиб беришяпти.

Мактабда Шарифжон Мирзабоев, Зухриддин Аҳмедовдан ташқари Зулхумор Тожиаҳмедова, Муқалдам Худойназарова, Ғофуржон Эргашев, Соҳиба Эрметова, Муҳторжон Йўлдошев сингари меҳрибон болалар борки, улардан қишлоғимизнинг барча кексалари миннатдорлар, доимо олқишлаб, дуо қиладилар.

Яқинда бу ғамхўр ўқувчиларга, мактаб болалар ва усмирлар етакчиларига ҳамда мактаб маъмуриятига қишлоқ оқсоқоллари томонидан ташаккурнома эълон қилинди.

Мактабимизда «Она юртимиз бойликлари — бизнинг фахримиз», «Экология ва биз», «Еш ишбилармонларни излаймиз» гуруҳлари аъзолари ҳам фаол иш олиб боришяпти.

Ғулломжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, М. Ҳасанов номидаги 35-мактабнинг болалар ва ўсмирлар етакчиси.



ФИКРЛАРИ БИР ЖОЙДАН ЧИҚДИ

Ғузур туманидаги болалар техник ижодиёти маркази қошидаги конструкторлик тугарагига 30 дан ортиқ бола аъзо бўлган. Машғулотлар мунтазам олиб борилади. Хона болалар билан тула бўлса-да, осойишталик ҳукмрон. Ҳар ким уз хаёли билан банд: кимдир узи ихтиро қилган куча тозаловчи машинасининг чизмасини чизиш билан, яна кимдир ясаётган ракетасининг деталларини урнатиш билан овера.

Тумандаги 3-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Асадулла Мирзаев ҳамда 8-синф ўқувчиси Ҳусниддин Қобиловнинг фикрлари бир жойдан чиқди. Бу икки дуст «Тез ёрдам» машинасининг моделини ишлаб чиқишди. Электр токига уланиши билан ўқдек учиб, «ёрдамга ошиққан» митти машинага болаларнинг жуда ҳаваси келди.

Суратда: Кичик ихтирочилар ўзлари ясаган машинани намойиш қилишяпти.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.

ЎСМИР ҚАЛБИ НОЗИК

Нодирахон бир неча кундан бери хомуш. Онаси ҳайрон. Қизи 14 ёшга кирибдики, бирон марта шикоят қилган эмас. Умрида касал бўлмаган «Нега хомуш?». Бувисининг вафот этганига қайғураётганмикин? Булиши мумкин. Улар бир-бирига жуда ҳам меҳрибон эдилар. Шунга хафадир,

кейин дармони кетади, касаллик пайдо бўлади.

— Мендаям бор... Нодирахон баттарроқ йиғлаб юборди.

— Нима? Нимани айтаётибсан?..

— Шиш бор. Икки ҳафта булди пайқаганимга...

— Қандай шиш... Нега алжираётибсан?

Фақат қизлар ўқисин

утиб кетар, деб она уз ишлари билан овера булиб юраверди. Нодира эса бир ҳафтадан кейин ҳам уша аҳволда эди.

Бир кунни онаси Нодиранинг йиғлаётганини пайқаб қолди.

— Ҳа, қизим, нега йиғлайсан? Қайгурма! Қайгурганинг билан буving қайтиб келмайди. Ешини яшади, ошини ошади. 80 ёшга кириш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Кошки биз ҳам буvingнинг ёшига кириб юрсак.

— Бувим ҳали улмасди, ойижон! У қорнидаги шишдан кетди.

— Болам, одам қаригандан

— Тугрисини айтяпман...

— Қани, қасрингда? — довлараб қолди она.

— Мана бу еримда. Нодира шундай деб, қовугининг устини курсатди. Она не куз билан курсинки, қизининг қовуги устида ростдан ҳам бир нарса дуппайиб турарди.

— Сенда бу шиш қасрдан пайдо бўлади? Қизим, тагин рақ булмасин! Вой шурим, энди нима қиламан! Она йиғлаб юборди. Нодиранинг йиғиси ҳам кучайди. Она-боланинг бу йиғиси устига ота кириб келди. У гапнинг нимадалигини суриштириб билиб олди-да, дарҳол касалхонага олиб кетди. Зуд-

лик билан операция булимига ётқизилган Нодира медицина текширувидан утказилди ва «Қорин усмаси» деб топилиб, операция қилинди. Операция пайтида у усма эмас, балки бачадон ичига йиғилиб қолган қон лахталари эканлиги маълум булди. Бунга жинсий аъзода қиндан бачадонга ўтиш қисмининг тугма бекилиши сабаб булган.

Баъзи ҳолларда ақл ва мулоҳаза билан иш юритмаслик, керакли тадбирларни қўлламаслик оқибатида турмушда бегуноҳ ва тоза қалбли қиз боланинг оғир азият чекишига сабаб буладиган ҳодисалар ҳам тез-тез учраб туради. Купинча бундай пайтларда ноҳақдан қизнинг узи эмас, балки унинг ота-онаси, қариндош-уруғлари ҳам таъна-маломатларга қоладилар. Жабр курадилар. Дилозорликлар, хафагарчиликлар содир бўлади. Бунинг олдини олиш — эътиборлилик, ақл ва билим талаб қилади. Узингизда камчилик ва нуқсон сездингизми, шифокорга шошили-





Азиз болалар! Сизларга мактабда ҳарф ўргатиб, савод чиқариб илм ва ҳаёт сабоқларини эгаллашингизга ўқитувчиларингиз қанчалик жонкуярлик кўрсатишларини, ҳар бирингизни ўз фарзандидек эъзозлаб, илму урфон йўлларига етаклашларини яхши биласиз. Яна шунинг ҳам биласизки, устозлар сизнинг хушфезлу хушахлоқ, ватанпарвар, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли инсон бўлишингизда жуда кўп меҳнату машаққатлар чекади.

Бироқ сиз, ҳамон сизларга, ҳаттоки сизларнинг устозларингизга устозлик қилган, муҳтарам кекса муаллимларимизнинг қаҳатчилиги, очлик ва уруш йилларини бошдан кечирса-да, ўз эъзу мақсади — болалар қалбига яхшилик уруғини сеппидан толмаганлари ҳақида сира ўйламаганмисиз? Бундай мураббийлар бепойб республикамизнинг олис қишлоғу шаҳарларида жуда кўп. Қуйида ана шундай инсонлардан бири ҳақида ҳикоя қиламиз.

1933 йили Қарши туманидаги «Лағмон» қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган Наби ака уруш даврини ҳам, ундан кейинги тикланиш давларини ҳам яхши эслади. Унинг битирадиган эллигинчи йили унинг кечагидай эдида. Худди уруш даври сингари уша йилларда ҳам болаларни купинча дала-дашгларда учратиш мумкин буларди. Оч қолмаслик, бир амаллаб бўлса, кун кечирини йулини излаб ўз ихтиёрлари билан бу ёқларга келишарди. Буй етиб қолганлари урокчилар енида туриб гапла уришар, бир оз кичикроқ ешдаги болалар эса тукилиб қолган бошоқларни териб туплашарди.

Уйга хориб чарчаб келишаркан, ҳали даладан қайтмаган ота-оналари қилиши керак бўлган у-бу юмушларни бажаришга мажбур эдилар. Кечқурун дастурхон атрофида борини баҳам куришар, қоринлари туйиб овқат ейишмасида-да шукур қилишарди. Сунг яккаю-ағона қора чироқ ёруғида дарс қилишга утиришарди.

Ўқувчилик уларни куп нарсага ургатган эди. Ноеб матоҳга айланган китоб-дафтарни дуч келган ерга ташлаб қуйиш гуноҳ ҳисобланарди. Китоб нондек азиз бўлган. Йиллар давомида қулдан-қулга утиб ўқилаверган, бир ҳолга келиб қолган китоблар авайлаб асрларди.

Битта-яримта тушган варағи бўлса тикишар, дарахтлар танасида пайдо бўлган шира-елимини йиғиб келиб ямаб қуйишарди.

Саводни кишиларнинг куши урушдан қайтмаган, ҳисоб-китобни пухта биладиган кишиларга эҳтиёж катта эди. Эндигина мактабни тамомлаган Наби ҳам тиркичилик илинжида далага чиқди. Ҳисобчи бўлиб ишлаб бошлади.

1952 йилнинг езида Қаршида муаллимлар тайерланадиган уч ойлик курс очилиши ҳаманоқ Наби ўқишга кирди. Курсни муваффақиятли тамомлаган еш

муаллимни вилоят халқ таълими бўлими собиқ Мироқи туманининг «Шурҳасан» қишлоғидаги мактабга ишга юборди.

— Эр кишисиз, шу ёққа бориб бироз ишлаб берасиз, — дейишди унга.

Қишлоққа тоғма-тоғ утиб боришарди. Муаллим бу ердагилар билан тезда эл бўлиб кетди. Ишчанлиги боис унга олгинчи синф раҳбарлигини ишониб топширишди. Синфхонада алмисокдан қолган кичик-кичик парталару ранги учинқираган миттигина ёзув тахтаси (доска)дан булак ҳеч вақо йўқ эди. Болаларнинг уст-боши, туриш-турмуши бир аҳволда бўлгани ҳолда, уларнинг ўқишга чанқоқлигини фахрлаган муаллимнинг дилидан бир нарса кечди: қандай бўлмасин, кургазмали куроллар ясаб, синфхонани безаш керак. Шундагина уқув-ўқитув ишларини бироз жонлантириш мумкин...

Куп утмай, узи раҳбар бўлган синфхонани шундай безадик, Наби аканинг бу ташаббусини, саёй-

чи эканликларини айтишди. Наби ака ўйланиб қолди: Холмуродовнинг ёлғиз узини қуйиб юбориш ҳам яхши эмас. Уни кузи қиймай, нима бўлмасин, у билан бирга кетишга қарор қилди.

Улар район марказидан узоқлашганларида, аллақачон оқшом тушган, осмонда бирин-кетин юлдузлар чарақлай бошлаганди. Куп утмай, тоғлар ортидан баркашдек тулин ой кутарилди. Теварак-атрофга сутдек ёруғлик ёйилди. Тоғлар, адирлар, шу яқин атрофдаги дов-дарахтлар кузга яққол қуришиб турар, қир бағридаги ингичка тизма йўлни анча наригача илгаш мумкин эди. Қишлоққа қадалар беш соатлик йўл бўлиб, тоғ этаги бўйлаб юришга тўғри келарди.

— Мана курдингизми, сизга айтганим-ку, бу йўллардан куп юрганман, лекин ҳеч нарсага дуч келмаганман деб, — деди Холмуродов қишлоққа қарийб етиб қолганларида, Наби акага юзланиб. — Бу йўлларда йиртқич нима қилсин! Барибир одамдан курқади ҳар қандайи ҳам...

нинг пастидан утарди. Йиртқичнинг қаршисидан утаётганларида, Наби аканинг куз қири беихтиёр унга тушди. У бу ерларнинг ҳукмдори каби ваҳоҳат билан қараб турибди. Мана, ҳозир уларга томон уқдай учиб келади-ю, ваҳший бир товушда ириллаганча, ханжардек тишларини ярқиратиб, икковини икки тарафга улоқтириб юборди ва куз очиб юмгунча ёриб ташлайди, уларни ҳеч ким тополмайди. Эртасига икки муаллимни тоғ йулида бури еб кетибди, деган гап тарқалади, холос. Ота-онаси, ўқувчилари юм-юм йиғлашади. Шу билан ҳаммаси тугайди... Эҳ, не орзу-умид билан шу касбни танлаганди-я!

Миясига яшиндек урилган бу мудҳиш уйдан Наби ака қурқиб кетди. Бутун азойи бадани увишиб, бошидан қайноқ тер қуйилиб келди.

Бироқ шундай бўлса-да, узини босишга тиришар, титроқ ва қурқувни сиртига чиқармасликка уринарди. Шу лаҳзада ҳамроҳининг аҳволи қандайлиги унга қоронғи

ларида, бури қуринмай қолгач, — унинг шериклари бўлиши керак, шуларни чақирди. Бояғи — пойлоқчиси экан...

Бури ута эҳтиёткор ва тадбиркор йиртқич. Одатда улар овга чиқиш олдида теварак-атрофни яхшилаб кузатишади. Қишлоқларга яқин жойда купинча тунда овга чиқишиб, биргаланиб улжа излашади. Одам ва ҳайвон ҳилларини яхши ажрата олишади. Бурилар, айниқса, ёлғиз ҳолда одамга камдан-кам ҳоллардагина ҳужум қилиши мумкин. Шунда ҳам егулик тополмай, очлик туфайли мажбур бўлишади...

— Ҳалиги жондорнинг чорловини бошқалари аллақачон илгашди, — деди Холмуродов ташвишли товудда, югуриб боришаркан. — Ҳадемай қишлоққа тушишади. Тезроқ чопайлик!

Улар шундай югуришдики, гуе оёқлари ерга тегмай, кушдек учиб кетишди. Қишлоққа қачон

Бахтиёр АШУРОВ

«ЛАҒМОН»ЛИК МУАЛЛИМ

ҳаракатини мактаб маъмурияти қўллаб-қувватлади. Бошқалар ҳам унинг изидан боришиб, ўз соҳалари буйича изланишга тушиб кетдилар.

— Раҳмат сизга, Муқимов! — деганди ушанда район халқ таълими бўлимидан келган вакил муаллимнинг қисқа вақт ичида қилган ишларини куздан кечира туриб. — Маориф жонкуяри эканлигингиз ишингиздан қуриниб турибди. Қаранг, бошқалар ҳам сиздан ибрат ола бошлашибди...

Кеч куз қунарининг бирида туман марказида район ёшлар талқилотининг конференцияси утказилди. Анжуманга Наби акани, яна икки ўқитувчи ва бир ўқувчини вакил қилиб юборишди. Унда ёшлар тарбияси ва уларнинг эртаси ҳақида гап борди. Наби ака музокарада сузга чиқди. Келажак — ёшлар қўлида бўлиши ҳақида фикр айтган, аввало уларни тарбиялаш лозимлиги, бунинг учун мактаб асосий тарбия учоғи сифатида бу соҳада етакчи аҳамият касб этиши мумкинлигини узи ишлаётган таълим масканида олиб борилаётган ишлар асосида далиллаб берди.

Муаллимнинг мулоҳазалари купчиликнинг диққатини тортиди. Бу чиқишдан Наби аканинг ўзи ҳам бироз бўлса-да, қониқиш ҳосил қилди. Унинг гаплари ҳаётий бўлганлиги, уларнинг бари юракдан айтилгани боис барчага маъқул тушди...

Конференция кун ботар маҳали тугади. Ўқитувчилардан бири — Холмуродов қишлоққа қайтмоқчи эканлигини айтди. Наби ака ўз эътирозини билдирди:

— Энди кеч бўлиб қолди, — деди Холмуродовга қараб. — Менимча, шу ерда қолиб, эртага эрта билан йўлга тушсак, яхши буларди.

— Қизиқсиз, ой ёқти бўлса кетаверамиз.

— Тугри-куя, лекин йўл хатарли-да, — деди Наби ака. — Ҳозир тоғларда бури қўлайган, — дейишади...

— Бэ-э, — деди Холмуродов, — мен шунча йил тоғ йўлларидега қатнаб, биронга бури ҳужум қилганини ҳали эшитмаганман... Тугри, қишлоқларга битта-яримтаси тушиб келиб, ҳали унинг, ҳали бунинг молини ёриб кетган. Яқинда ҳам нариги қушни қишлоқда шундай ҳодиса бўлибди. Майда молига ҳужум қилибди. Аммо, ҳар қандай йиртқич, худди шундай бури ҳам одамдан хурқади. Ким қурқса, шу ерда қолаверсин. Мен ўзим кетавераман.

Бир ўқитувчи ва ўқувчи район марказида тунаб, эртага қайтмоқ-



Наби ака индамади. Ҳар ҳолда, Холмуродовнинг айтгани келди. Йўлнинг асосий қисмини хавфхатарсиз босиб утишди. Бир чақиримча қолди. Ана, қишлоқ қуриши турибди, ҳадемай у ерда бўлишди.

Сунгги қирликни ошиб утишиб, қияликдаги изма йўл бўйлаб боришаркан, шу пайт Холмуродовнинг кузи унг томондаги дунгликдан олд оёқларини ерга тираб, қулоқларини диққатирганча уларга қараб турган бурига тушди. Наби акага секин деди:

— Қуряқсизми, унг томонимизда, — тугрида бури турибди...

Наби ака бурини аллақачон қурганди. Лекин ваҳимага тушиб бефойда эканлигини сездди. Оралик чамаси ун-ун икки қадамлар бор. улар юришдан тухтамай, бир амаллаб унинг қаршисидан утиб олиш, йиртқичдан узоқлашишни чорасини излай бошлади. Жондор эса улардан куз узмаган ҳолда бамайлихотир тураркан, Холмуродовнинг ҳаёлига чақмоқдек ярқ этиб, бир фикр келди.

— Нима бўлса ҳам орқага қайтмаймиз, — деди у шивирлаб. — Бури сезгир булади. Орқага қайтсак, қурққанамизни билиб, изимизга тушади. Юришимизни эзгартирмай бораверамиз...

Наби ака бурини биринчи марта қуриши эди. Холмуродовнинг довиорақлигини, дадил қарорини, ишқилиб сал тегиклашди. Оёқларидаги титроқ босилгандай, ҳатто бутун танаси куч-гайратта қайта тулгандай бўлди. Улар бир меъерда юришда давом этишди. Изма йўл бури турган дунглик-

эди. Ҳар ҳолда, у ҳам инсон, юраги така-пука бўлиб бораётгани аниқ. Аммо улар икки киши-ку, жондор эса — ҳозирча битта. Куролсиз бўлсалар ҳам, ҳар эҳтимолга қарши, ҳужумга шай туришлари керак. Нима бўлганда ҳам шерикларини чақирмасин-да, ёлғиз ўзи икки кишига ҳужум қилолмайди...

Йиртқич қаршисидан ута туришиб, Наби аканинг ҳаёлидан шундай фикрлар кечди. Уларнинг бор вужуд-танаси куз ва қулоққа айланган, бир зайлда қадам ташлашади.

Бури эса миқ этмай турар, узининг тугрисидан ярим тунда утиб бораётганлар ким ва қандай кишилар эканлигини билмоқчидай улардан куз узмасди. Ой нурида унинг кузлари йилтиллаб кетди. Ҳар қандай одамнинг ичига даҳшат солувчи совуқ йилтиллаш ниҳоятда қурқинчи эканини Холмуродов ҳам, Наби ака ҳам аллақандай ҳисси, сезгисиз бўлаётганда англаб етишди. Улар миқ этмай боришаркан, бури орқада қолиб, ундан узоқлашаётганларини аниқ тушуна бошлаганди...

Ростдан ҳам йиртқич улардан эллик қадамлар орқада қолган, қишлоққа ҳали етиб келмаган бўлишларига қарамай, бу энди хавфхатарнинг чекинаётганидан дарак берувчи эди.

Улар уларини бироз босиб олиб, қадамларини тезлатишди. Шунда йиртқич уч марта устма-уст улиди.

— Югурамиз...! — Шипшиди Холмуродов, қишлоққа элтувчи пастликдаги йўлга тушиб олган-

ва қай аҳволда етиб олишди — бу улар учун фарқсиз эди, энг муҳими — ажал чанғалидан эсон-омон кутилиб чиқишди.

— Худо бир асради! — деди Холмуродов, уйга етиб келиб, нафасларини ростлашаркан. — Йўқса, ким билади дейсиз...

— Ҳа, — деди Наби ака, ҳамроҳини маъқуллаб. Тагин нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин индамади.

— Менинг касримга қолиб, сал бўлмаса бурига ем булардик, — тавбасига таянган кишидек Холмуродов яна гап бошлади. — Ким уйлабди дейсиз бундай бўлишини? Бурига дуч келганимизда, биласизми, миямга нима урилди?

Наби ака унга саволомуз назар билан сузсиз боқиб турарди.

— Шу десангиз, бекордан бекорга олиб кетадиган булдик-а, аттанг, дея уйладим. Айниқса, сизга жоним ачиди. Болаларни ўқитаман деб, Қаршидай жойдан келиб, ҳе йўқ, бе йўқ бури еб кетса-я, дебман... Туф-туф-е!...Нафасимга ел!... ишонасизми, худога шундай ёлвордимки, ҳеч бўлмаса шу одамни асраб қол, у кишининг қиладиган ишлари куп ҳали, қанчадан-қанча болаларни ўқитиши, одам қилиши керак, дедим. Қаранг-а, иккаламиз ҳам тирик қолдик. Киши бир нарсага илхос қуйиб қаттиқ ишонса, муъжиза руй бериб, нияти ижобат топаркан...

— Албатта! — деди Наби ака. — инсон доим яхши ният қилиб, шундай интилиши керак-да!

— Бу воқеа бир умр эсдан чиқмайди энди, — гапида давом этди Холмуродов. — Анча йиллардан кейин ҳам ўқувчиларингизга ҳикоя қилиб бериб юрасиз. Ўқитувчилик қиламан деб, бунақа қийинчиликларни қурганман дейсиз...

Лекин Наби ака бу ҳақда онасидан булак бошқа ҳеч кимга узоқ вақтгача оғиз очмади. Онаси эшитиб, безовталаниб қолди.

— Вой болам-э, — деди ташвиши орғиб, бесаранжом овозда, — шунақа жойларда ишлайман дегин? Мен айтдим, бир-икки марта галати-галати туш курдим... Қуй шу яқинлардан иш топилаймикин санга?

— У ёқдаги болаларни ҳам кимдир ўқитиши керак-да, она! — деди Наби ака кулимсираб. — Қийин бўлса ҳам ишлаб турайчи...

Қийинчиликлар ҳали олдинда эканини ака ўйлаб ҳам қурмаган, бу ҳақда тасаввур ҳам қилолмасди.

Давоми келгуси сонда.

Анвар ИМИНОВ

БУЛУТ

Эртакдаги мўъжизасимон
Улкан булут сузар оҳиста.

Гоҳ тутақар бамисли қоплон,
Гоҳ жилмаяр мисли гулдаста.

Баъзан қизлар юзидай оппоқ,
Баъзан душман қалбидай қора.

Гоҳо айиқ, гоҳида тойчоқ,
Гоҳо кўпик тошган тоғора.

Гоҳ тоғларга ўрмалар беҳол,
Судралгандай ўқ теккан бургут.

Ҳа, оламнинг актёри мисол,
Ҳар хил тусга киради булут.

Болаликда булут кўрсам, рост,
Биқинардим онам кўйнига.

Гўё босиб келгандай беҳос
Осилардим отам бўйнига.

Энди менинг ёшим улғайган,
Иироқ эрур кўрқинчли туйғу.

Аmmo ҳамон кўрсам, дафъатан
Хайлларга чўлғаб кетар у...



КЎЧИМИ ЎЗБЕКИСТОН

Боғу роғлар маскани,
Жондан севаман сани.
Ёнишларим ҳам сенга,
Хонишларим ҳам сенга.
Мен сенинг фарзандингман,
Сен-чи менинг баҳорим.
Йўлимни чарақлатган,
Манглайим ярақлатган.
Эркили Ўзбекистонсан,
Кўркли Ўзбекистонсан.
Саховатга бой диёр,
Тинмагай бунда алёр.
Одамларин қалби тоғ,
Бир-бирига дўст, ўртоқ.
Шундай Ўзбекистонсан,
Кундай Ўзбекистонсан!

Хилола **ТОЖИЕВА**,
А. Навоий номидаги
Республика Нафис санъат
лицейининг 9-синф
ўқувчиси.



ЭРТАК

Йўқ экану бор экан,
Ким тўку ким хор экан.
Эртак деган бир ажиб,
Гўзал диёр бор экан.
Унда йиғлар Зумрад қиз,
Ўғай она — ялмоғиз.
Яхши сўз тоғдан нари,
Хўрликлар қатор экан.
Уй-жаҳоним Зумрадим,
Опажоним — Зумрадим.
Ёмонларга кенг дунё,
Яхшиларга тор экан.

КЎЧИМИ БОЛА

Кўшни бола
кўзи ола,
Гапни роса
олади.
Бизнинг уйга
кесак отиб,
Ўзи қочиб
қолади.

Гулчирай **ЗАВКИЕВА**,
Сирдарё вилояти,
Сайхунобод тумани,
28-мактаб.



АЙИҚПОЛВОН

Дўстлар менинг исминни
Айиқполвон дейдилар.
Камина каваклардан
Асал топиб ейдилар.

Хун семирган қузилар,
Менга нонушта булар.

ТУЛКИХОН

Неники орзуласам,
Барчасига етаман.
Хохлаган ҳайвонимни,
Лақиллатиб кетаман.

БЎРИВОЙ

Мен буриман, буриман,
Ҳайвонларнинг зуриман.

ЙЎЛБАРС

Менинг жаҳлим чиқса гар,
Ҳайвонлар зир қочишар.
Каминага таъзим-ла,
Дарров йўлни очишар.

Шухрат **УСМОНОВ**,
Тошкент шаҳридаги
255-мактаб ўқувчиси.

ЖЕКИ ЧАН,

«Яқинда Аброр Ҳидояттов номли драма театрида сеvimли адибимиз Тоҳир Малик қаламига мансуб «Жеки Чан, Брюс Ли ва бошқалар» номли саҳна асарининг премьераси бўлиб утади. Асосий ролларни мактаб ўқувчилари ижро этишар экан» деган хушхабарни эшитдимиз театр томон ошқидим.

Фарзанд тарбияси ҳар бир ота-она учун биринчи галдаги вазифадир. Лекин усмирларнинг хатти-ҳаракатлари, руҳияти ҳақида қайғурмайдиган, уларни моддий жиҳатдангина таъминлашни уз бурчи деб биладиган ота-оналаримиз ҳам йўқ эмас. Бу эса болаларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди албатта. Ўқувчилар томонидан саҳналаштирилган мазкур саҳна асари ҳам айнан ана шу мавзуга бағишланган.

— Мактабларда, болалар даврасида тез-тез бўлиб тураман, — дейди асар муаллифи, ёзувчи Тоҳир Малик. — Болалик оламини кузатиш жону дилим. Улар ҳаётдан яхшигина бохабар

булганим, шу асарни ёзишимга туртки булгандир балки?! Асарда усмирлар орасидаги меҳр-оқибат, уни ёшликда-ноқ шаклантириш энг мушкул аҳволга тушиб қолганда ҳам узини йўқотиб

БРЮС ЛИ ВА

қуймаслик, бир-бирларига содиқ қолишлари лозим, деган гоҳ илгари сурилган. Назаримда еш актёрларимиз ҳам асарнинг асосий моҳиятини имкон қадар очиб беришган. Бу менинг шахсий фикрим. Асосий баҳони томошабинлар беришади, албатта.

— Болалар билан ишлаш мен учун ҳам жуда завқли, — дея суҳбатимизга қўшилди Аброр Ҳидояттов номли театр актрисаси Мадина Тухтаева. — Менимча болаларга тарбиявий панду насихатлар, узоқ-узоқ маърузалар ўқиш, маслаҳатлар беришдан кура, кўпроқ мана шундай саҳна асарлари, тарбиявий аҳамияти катта булган томошалар таъсири кучлироқ булади. Дастлаб ана шу мақсадларда шаҳримиздаги 265-мактаб ўқувчилари билан «Биринчи буса» номли асарни саҳналаштиргандим. Сеvimли

адибимиз Тоҳир Малик Юнусобод туманидаги 274-мактабда фаолият кўрсатаётган драма тугараги учун ёзган асарини саҳналаштирдик. Турғи, саҳналаштириш жараёнида бироз қийинчиликларга ҳам дуч келдик. Сабаби, болалар ҳозирча театр санъатининг асл моҳияти, унинг хусусиятини тула тушуниб етишмайди. Сезишимча, театр болаларни озми-

БОШҚАЛАР

кўпми мушоҳада юритишга ургатди. Асар мазмунида таълим тарбия мавзуси етакчи урин тугади. Ҳаммадан ҳам ўқувчиларимизнинг узларига топширилган ролларни бутун вужудлари, бор маҳоратлари билан ижро этишга интилишлари бизни, айниқса қувонтирди.

— Театр санъатига ихлосим жуда ортди, — дейди 274 мактаб ўқувчиси Одил Юнусов. — Нафақат мен, спектаклда иштирок этган дўстларим Нодир Шоаҳмедов, Дилмурод Аҳмедов, Дилдора Қаюмова, Шаҳло Тиллаева сингари дўстларимнинг ҳам бу соҳага қизиқишлари анча ортди. Шу билан бирга театр санъатининг узига хос машаққатлари, мураккаб қирраларини ҳам хис қилдик. Театр-



ни «Анави актёр яхши уйнабди, анави-си яхши уйнолмабди» дея шунчаки томоша қилиш бошқа-ю, саҳнага чиқиш бошқа экан. Ҳозирда эса янаям каттароқ ишга қўл урганмиз. Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асарини саҳналаштириш ниятидамиз.

Санъатга ихлосманд бу ёшларнинг нечоғли қобилият эгаси эканликларини келажак кўрсатади, албатта. Ҳозирча эса уларга изланиш ва интилишларида омадлар тилаб қоламиз.

Назокат **УСМОНОВА**.

МАКТАБИМИЗНИНГ ЭШИГИ КЕЧГАЧА ОЧИҚ ТУРАДИ

Бувиси невараси билан кучада кетишяпти. Бирдан невараси рупараларидан чиққан одамга тилини курсатади.

— Нима қилисан! — деб хафа булади бувиси. — Катталарга тилни курсатиб бўлмайди.

— Бу киши бизнинг врачимиз, — деб тушунтиради невараси. — У тилни курсатгани яхши куради. Доим «тилингни курсат» деб илтимос қилади.

— Булақол, мактабга кеч қолсан, деди она углига.

— Хавотир олмагн, ойи. Мактабимизнинг эшиги кечгача очиқ туради.

Тоққа кутарилган ота нафасини ростлаб олиб, углига деди:

— Қуйига қара, қандай гузал манзара: ажойиб дара, жозибалор, дарё...

— Дада, ҳамма гузаллик пастда қолган булса, нима учун уч соат нафасимиз сиқилиб юқорига чиқдик?

Кичкинагина Жакка рузгор ишларида бувисига қарашишни буюришибди. Бир неча дақиқадан кейин қарашса,

бувиси пиез туграётган эмиш. Жак эса унинг ёнида қўл қовуштириб утирган эмиш.

Нега ҳеч нарса қилмай турибсан? — деб сурабди ойиси.

Биз бувим билан ишни булишиб олдик. Пиез туграш у кишига тунди.

— Сенга-чи?
— Йиғлаш...

Ота углидан:
— Менда унта олма бор. Иккитасини есам, нечта қолади? — деди.

— Билмайман, — деди угли. — Биз мактабда масалани апельсинда ечамиз.



ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон **ОРИФЖОНОВ**,
Феруза **ЖАЛИЛОВА**,
Раҳима **ШОМАНСУРОВА**,
Марат **ШАФИЕВ**,
Сайриддин **ХОЛОВ**
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-077. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,
- Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
- Телефон: 33-44-25